

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УМАРОВА НАИМА ОҚИЛ ҚИЗИ

**ОЧИҚ БУРЧАКЛИ ГЛАУКОМАНИ ДАВОЛАШДА ЛАЗЕРЛИ
ТРАБЕКУЛОПЛАСТИКАНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Умарова Наима Оқил қизи

Очиқ бурчакли глаукомани даволашда
лазерли трабекулопластиканинг турли усуллари
самарадорлигини қиёсий баҳолаш..... 3

Умарова Наима Оқил қизи

Сравнительная оценка эффективности
различных методов лазерной трабекулопластики
в лечении открытоугольной глаукомы 25

Umarova Naima Oqil qizi

Comparative evaluation of the effectiveness of v
arious methods of laser trabeculoplasty in
the treatment of open-angle glaucoma..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УМАРОВА НАИМА ОҚИЛ ҚИЗИ

**ОЧИҚ БУРЧАКЛИ ГЛАУКОМАНИ ДАВОЛАШДА ЛАЗЕРЛИ
ТРАБЕКУЛОПЛАСТИКАНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2436 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.eye-center.uz), «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джамалова Ширин Абдумуратовна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Иойлева Елена Эдуардовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Юсупов Аминжон Азизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

РФ ССВ ФДБТМ Уфа кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил _____ куни соат ____:____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 14 уй. Тел/факс:(+99871) 217-49-34, 217-49-37, e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 14 уй. Тел/факс:(+99871) 217-49-34, 217-49-37, e-mail: eyecenter@inbox.ru)

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «__» _____ даги «__» рақамли реестр баённомаси)

А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Р.А. Закирходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори, доцент

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, глаукома – соғлиқни сақлашнинг энг етакчи муаммоларидан бири ҳисобланади, чунки, у бутун дунёда кўрликнинг энг кўп учрайдиган сабабларидан биридир. 2020 йилда катта ёшдаги (40-80 ёш) аҳоли ўртасидаги бирламчи очиқ бурчакли глаукома (БОБГ) ҳолатларининг сони 52,68 миллион нафарни ташкил қилиб, 2040 йилга келиб ушбу кўрсаткич 79,76 миллионни ташкил қилиши баҳоланмоқда. Глаукоманинг энг кўп учрайдиган тури, бу, БОБГ бўлиб, у кўриш бўйича ногиронликнинг асосий сабаби ҳисобланади (барча глаукома ҳолатларининг 74%). Сўнгги 20 йилда БОБГ-нинг умумий тарқалганлиги 2,4% ташкил қилган. «...кўрсаткичларни толерант даражасидан юқорига қўтарилиши глаукома жараёнининг ривожланиш ва тараққийлашининг етакчи ҳавф омилidir...».¹ Глаукома асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларда учрайди, бу эса ўз навбатида муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини оширади. Глаукома ривожланиш патогенезидан бири кўз ички босимининг ортиши сабабли кўриш функциялари пасайиши ва кўрув нервининг зарарланишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу касалликнинг асосий давоси кўз ички босимини интолерант қийматлардан толерант қийматларгача тушириш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда глаукома оптик нейропатияни ривожланишини олдини олиш учун, жараёни барқарорлаштириш ва кўз ички босимини мақсадли кўрсаткичларгача пасайтириш, бирламчи очиқ бурчакли глаукомани даволашдаги энг устувор масалалари сифатида қолиб келмоқда. Бунинг учун йилдан йилга даволашнинг янада янгироқ усуллари, ёки, юқори самарадорликка эришиш учун, уларнинг комбинациялари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, глаукоманинг лазер билан даволаш натижалари баҳоланган кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Ҳозирги вақтда яқинда ишлаб чиқилган микроимпульсли лазерли трабекулопластика усули кенг қўлланилмоқда, бу бўсаға ости режимида кўз ички босимини пасайтириш ва глаукома оптик нейропатиясининг ривожланишини камайтиришга, ҳамда даволаш услубларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, кўз касалликлари туфайли ногиронланишни пасайтириш ва олдини олишга ёрдам берадиган, юқори малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш билан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу йўналишда қуйидаги вазифалар белгиланган: мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш

¹ Кадникова О. В. Бирламчи очиқ бурчакли глаукомани даволашда селектив лазерли трабекулопластиканинг клиник ва иқтисодий самарадорлиги: тиббиёт фанлари номзоди дис.- Москва: ТИТК "Кўз микрохирургияси". 2019. - 170 б.

орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш каби вазифалари белгиланган. Юқори масалаларнинг ечимига, айниқса бирламчи очик бурчакли глаукомани даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, ҳамда, етарлича юқори тиббий хизмат кўрсатиш учун уларни такомиллаштириш йўли билан эришиш ва ногиронлике сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинич тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида юқори кўз ички босими (КИБ) ёки трансламинар босимнинг юқори градиенти – бу, очик бурчакли глаукома ривожланишининг ҳозирги кунда маълум бўлган ягона ҳавф омилдир. Айрим муаллифлар тадқиқотларининг натижаларига кўра, кўз гипертензияси даволаш ва КИБ-ни 22,5%-га пасайтириш орқали очик бурчакли глаукома ривожланишининг 5-йиллик ҳавфини 9,5% дан 4,4% гача пасайтириш мумкин.² Глаукомани даволашнинг дастлабки босқичлари гипотензив томчилар ёрдамида консерватив даволашдан бошланади, аммо, кўп сонли тадқиқотларни ўрганиш натижасида аниқланишича, кўрсаткичлар, турли омилларга кўра, кўрлик ёки кўзи ожизликка қадар фақатгина медикаментозли даволашда пасайиши мумкин.³ Консерватив даволашнинг самарасизлиги тақдирда даволашнинг лазерли ёки жарроҳлик усулларига ўтиш тавсия этилади. Сўнгги ўн йилликларда лазерли трабеклопластиканинг энг самарали усуллари дан бири, селектив лазерли трабекулопластика (СЛТ) ҳисобланади, ва у илк бор 1995 йилда Mark A. Latina томонидан жорий этилган. Бошқа муаллифлар билан ҳамкорликда мазкур олим, тўлқин узунлиги 532 нм бўлган, Nd: YAG “Coherent Selecta 7000” русумли қурилмада лазерли процедураларни

² Alvarado JA, Alvarado RG, Yeh RF, et al. A new insight into the cellular regulation of aqueous outflow: how trabecular meshwork endothelial cells drive a mechanism that regulates the permeability of Schlemm’s canal endothelial cells. Br J Ophthalmol. 2005.

³ Flaxman SR, Bourne RRA, Resnikoff S, et al. Global causes of blindness and distance vision impairment 1990–2020: a systematic review and meta-analysis. Lancet Glob Health. 2017.

ўтказган ва лазер таъсири трабекула соҳасига ўтказилади. Лазерни қўйиш соҳасининг клиник кузатувида, трабекулада пигмент лизиси аниқланган (De Leon MI 2017, Kramer T.R., Noecker R.J. 2001). Ҳозирги кунда СЛТ асосан, бирламчи очик бурчакли глаукомани даволашда, пигментли ва псевдоэксфолиатив глаукомада қўлланилади, чунки айнан ушбу беморларда медикаментозли даволаш етарлича самарасини бермаган. Кўплаб рандомлаштирилган тадқиқотларда беморларда узоқ муддатли истиқболда кўз ичи босимининг ишончли пасайиши кузатилиб, уларнинг аксариятида лазердан кейинги даврла КИБ сакрашлари кузатилган, айримларида эса увеал реакция рўй берган. Бироқ, La1 ва бошқалар тадқиқотларида муваффақият кўрсаткичини 1 йилдан кейинги 71%-дан 5 йилдан кейин 25 фоизгача пасайиши кузатилди. Ушбу барча омиллар, жумладан КИБ-ни пасайтиришга ёрдам берадиган лазерли трабекулопластикани микроимпульс режимида қўлланилиши қиёсий баҳолаш мезонлари етарлича ўрганилмаган.

Илмий адабиётларда микроимпульсли лазер трабекулопластика (МЛТ) – бу, таъсир қилишнинг паст энергияси билан ишлайдиган лазерли трабекулопластиканинг усули ҳисобланади. Микроимпульсли лазернинг ҳавфсизлиги шундаки, импульслар ўртасидаги давр пигментланган ҳужайраларга навбатдаги импульсга қадар бошланғич даражасига қайтиш имконини бериб, ушбу билан ҳужайраларни кумулятив иссиқлик таъсир, чандиқлашиш ва трабекуляр тизимининг тўқимасидаги морфологик ўзгаришлар туфайли шикастланишини олдини олади. Унинг таъсир қилиш механизми трабекуляр тўқималарнинг кучли пигментланишида ҳам КИБнинг сакрашларини олдини олиш имконини беради (Ingvoldstad D.D. 2005, Lee J.W. 2015). Аммо, бунга қарамасдан, микроимпульсли лазернинг молекуляр самараси номаълум, ва ушбу ҳақда фақатгина фаразлар мавжуд. Тадқиқотчиларнинг таҳминига кўра, аргон-лазерли трабекулопластика (АЛТ), СЛТ ва МЛТ, бир ҳил ҳужайралар реакциясини олиш учун ҳар ҳил таъсир қиладилар (Потапова Н.В. 2003, Fudemberg S.J. 2008). Лазерли трабекулопластиканинг янгироқ версияларнинг тамойили, тўқималар шикастланишининг камайишида, цитокинларни бўшатиб чиқариш орқали ҳужайрали биокимёвий каскадни стимуллаб йўли билан сувсимон намликни оширишга қаратилган (Fea F.M. 2008, Rantala E. 2012). Айни пайтда адабиётда ушбу муаммо ечими бўйича нашрлар бир-бирига зид.

Ўзбекистонда бирламчи очик бурчакли глаукома касалликларини ташхислаш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: ёпиқ бурчакли глаукомани мониторинги ва дигностиканинг клиник ва иммунобиокимёвий асосланиши (Набиев А.М., 2007); Ўзбекистон аҳолисида бирламчи ёпиқ бурчакли глаукомада кўз ички блокда патогенетик даволашни танлашнинг асосланиши (Фазиева У.С., 2013); очик бурчакли глаукома турларининг клиник функционал асослари ва уларни даволашда дифференциал ёндашув (Каримов У.Р., 2018); бирламчи глаукомада тиббий ёрдамни ташкил этиш ва унинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш (Туйчибаева Д.М., 2022), бироқ очик бурчакли глаукомада лазерли

трабекулопластика даво усулининг қиёсий баҳолаши илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, барқарорлашмаган бирламчи очик бурчакли глаукоманинг турли шаклларида олд камера бурчаги трабекуласининг анатом-тузилмавий хусусиятларини мезонлари ҳамда пигментация даражасини аниқлаш, бунда микроимпульс лазер трабекулопластиканинг турли баённомаларини қўллашда офтальмотонус ва гидродинамикасини ўрганиш, беморларда турли лазер технологияларида интраоперацион ва ташриҳдан кейинги асоратларнинг характер ва частотасини ўрганиш, кўрув функцияларинг динамикасини турли лазер трабекулопластикадан сўнг глаукома жараёнини барқарорлаштиришга нисбатан клиник самарадорлигини аниқлаш ва трабекуланинг пигментациясига қараб, микроимпульсли лазерли трабекулопластиканинг турли баённомаларини танлашда дифференцияланган тактик ёндашув алгоритминини ишлаб чиқиш масаласи офтальмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий марказининг “Офтальмопатологияларни олдини олиш, эртанги ташҳислаш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади олд камера бурчагининг пигментациясига қараб, очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шакллари билан беморларни таъсир қилишнинг турли баённомалари билан даволашда микроимпульсли лазерли трабекулопластика самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шаклларида, гониоскопия, ультратовушли биомикроскопия ва олд оптик когерентли томографиянинг маълумотларига кўра, олд камера бурчаги трабекуласининг анатом-тузилмавий хусусиятларининг мезонлари ҳамда пигментация даражасини баҳолаш;

очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шаклларида, трабекуланинг пигментациясига қараб, микроимпульсли лазерли трабекулопластиканинг турли баённомаларини қўллаган ҳолда, офтальмотонус ва гидродинамика ўзгаришларининг характерини баҳолаш;

очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукомали беморларда турли лазерли технологияларида ва таъсир баённомаларида интраоперацион ва ташриҳдан кейинги асоратларнинг характер ва частотасини баҳолаш;

кўрув функцияларининг динамикаси ва кўз орқа бўлагининг оптик когерентли томографиясининг кўрсаткичларига асосан, микроимпульсли лазерли трабекулопластиканинг глаукома жараёнини барқарорлаштиришга нисбатан клиник самарадорлигини баҳолаш;

очиқ бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукомада, трабекуланинг узок даврдаги пигментациясига қараб, микроимпульсли лазерли трабекулопластиканинг турли баённомаларини танлашда дифференцияланган тактик ёндашув алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий маркази ва хусусий клиника “Sihat ko`z”да барқарорлашмаган бирламчи очиқ бурчакли глаукома ташхисланган 115 нафар бемор (171 та кўз) текширув ва даво ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида барқарорлашмаган бирламчи очиқ бурчакли глаукома ташхислашда кўз ўткирлигининг кўрсаткичлари, биомикроскопия, тонометрия, кўрув функциялари динамикаси, гониоскопия натижалари, шунингдек, кўзнинг олд ва орқа бўлақларининг оптик когерентли томографияси, ультрабиомикроскопия, ҳамда тўр парданинг ёруғликни сезгирлиги бўйича тадқиқотлар кўрсаткичларини аниқлаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, офтальмологик, махсус, ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўзнинг олд камера бурчаги тузилишини ўрганиш маълумотлари асосида барқарорлаштирилмаган бирламчи очиқ бурчакли глаукоманинг турли шакллари дифференциал ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

барқарорлаштирилмаган очиқ бурчакли глаукоманинг турли шаклларида олд камера бурчагининг пигментация даражасига қараб микроимпульсли лазер трабекулопластика таъсир турли параметр протоколларининг самарадорлиги исботланган;

барқарорлаштирилмаган бирламчи очиқ бурчакли глаукомада микроимпульсли лазерли трабекулопластикадан фойдаланиш беморларининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини камайтириши исботланган;

барқарорлаштирилмаган бирламчи очиқ бурчакли глаукома учун тавсия этилган ташхислаш мезонлари асосида микроимпульсли лазер жарроҳлигида фойдаланиладиган даволаш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида кўз олд камераси бурчагининг ҳолати ҳақида маълумотлар олиниб ва такомиллаштирилиб, улар бирламчи очиқ бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шакллари дифференцияли ташхислашда қўлланилиши мезонлари ишлаб чиқилган;

бирламчи очиқ бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шаклларига эга бўлган беморларни, олд камери бурчаги пигментациясининг даражасига қараб, даволашда лазерли аралашувнинг оптимал усулини танлашга бўлган ёндашувлар ишлаб чиқилган;

бирламчи очиқ бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг жарроҳлик пайтида ва ундан кейинги асоратларни таҳлил қилиш натижаларига кўра беморларни микроимпульсли лазер билан даволаш услублари ишлаб чиқилган;

лазерли трабекулопластиканинг ҳар ҳил турларини ўтказишнинг энг катта самарадорлигини белгилайдиган, офтальмотонусни мустаҳкам нормаллаштириш, кўриш функциясини ошириш ва глаукома жараёнини барқарорлаштириш, шунингдек, бирламчи очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шакллари билан ҳасталанган беморларни даволашда ҳаражатларни қисқартириш имконини берадиган ташҳислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди ва соғлиқни сақлаш амалиётига тақлиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар билан ишлаш, шунингдек, тадқиқотнинг замонавий, бир бирини тўлдирувчи, клиник-функционал, электрофизиологик ва статистик усулларида фойдаланилганлиги, шунингдек беморларнинг етарлича бўлган сони, статистик таҳлил усулларида асосланган мажмуи, олинган натижаларни халқаро тадқиқотлар натижалари билан қиёслаш, олинган натижалар ва ҳулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, бу ердаги ҳулоса ва тақлифлар бирламчи очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шакллари билан ҳасталанган беморларни парваришлашга сезиларли улушини қўшиши билан ва кўзнинг анатом-тузилмавий хусусиятларини инобатга олган ҳолда лазерли трабекулопластиканинг ҳар ҳил турларини қўллашнинг натижалари, бирламчи очик бурчакли глаукоманинг турли шаклларига қараб, ҳар ҳил хусусиятларни аниқлаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, бирламчи очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукома билан ҳасталанган беморларни парваришлаш бўйича тақлиф қилинган алгоритмни амалиётга жорий этилиши, унинг шаклларига қараб, ножўя таъсирларнинг энг кам сони билан лазерли трабекулопластиканинг энг самарали усулини аниқлаш имконини беришида ва ўз навбатида, беморларни ташриҳдан кейинги даврда реабилитация қилиш учун ҳаражатларни камайтиради ва уларнинг кўрув ҳаёт тарзи сифатини яхшиловчи даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Очик бурчакли глаукомани даволашда лазерли трабекулопластиканинг турли усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: кўзнинг олд камера бурчаги тузилишини ўрганиш маълумотлари асосида барқарорлаштирилмаган бирламчи очик бурчакли глаукоманинг турли шакллари дифференциал ташҳислаш мезонлари ишлаб чиқилган. Ушбу маълумотлар “Бирламчи очик бурчакли глаукомани лазерли трабекулопластика усули билан даволашни оптималлаш” (РИКМИАТМ экспертлик кенгаши томонидан тасдиқланди, н-3/5-сон, 25.05.2023 й.) ва «Бирламчи очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг ривожланган ва ўтиб кетган босқичларини даволашдаги 15 фоизли ишчи цикли билан микроимпульсли лазерли трабекулопластика» (РИКМИАТМ экспертлик кенгаши томонидан тасдиқланди, н-3/7-сон, 23.03.2024 й.) деб

номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Илмий янгиликнинг жорий этилиши: амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан, РИКМИАТМ Термиз филиали (буйруқ № 12/1, 20.04.2023 й.) ва Самарқанд филиали (буйруқ №24-У, 7.02.2024 г.) амалиётига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: гониоскопия, ультратовушли биомикроскопия ва оптик когерентли томография тадқиқотларининг маълумотларига асосан, даволашнинг энг оптимал усулини танлаш имконини берадиган дифференцияли ташҳислаш мезонлари аниқланди. Иқтисодий самарадорлиги: аниқланган ташҳислаш мезонлари даволашни ўз вақтида даволашни бошлаш, ва ушбу билан ҳаражатларни камайтириш ва беморларнинг меҳнатга лаёқатлигини сақлаб қолиш имконини беради. Хулоса: турли тадқиқотлар маълумотларига асосан, клиник-патогенетик шакллариининг ҳар ҳил турларини дифференцияли ташҳислаш мезонлари аниқланган.

иккинчи илмий янгилик: барқарорлаштирилмаган очик бурчакли глаукоманинг турли шаклларида олд камера бурчагининг пигментация даражасига қараб микроимпульсли лазер трабекулопластика таъсир турли параметр протоколларининг самарадорлиги қиёсий баҳоланган. Ушбу маълумотлар “Бирламчи очик бурчакли глаукомани лазерли трабекулопластика усули билан даволашни оптималлаш” (РИКМИАТМ экспертлик кенгаши томонидан тасдиқланди, н-3/5-сон, 25.05.2023 й.) ва «Бирламчи очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг ривожланган ва ўтиб кетган босқичларини даволашдаги 15 фоизли ишчи цикли билан микроимпульсли лазерли трабекулопластика» (РИКМИАТМ экспертлик кенгаши томонидан тасдиқланди, н-3/7-сон, 23.03.2024 й.) деб номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Илмий янгиликнинг жорий этилиши: амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан, РИКМИАТМ Термиз филиали (буйруқ № 12/1, 20.04.2023 й.) ва Самарқанд филиали (буйруқ №24-У, 7.02.2024 г.) амалиётига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: микроимпульсли лазерли трабекулопластиканинг ўтказилган баённомалари, инсонларнинг жамиятдаги фаоллигини сақлаб қолувчи энг оптимал усулни аниқлаш имконини берди. Иқтисодий самарадорлиги: 15 фоизли ишчи цикли билан микроимпульсли лазерли трабекулопластиканинг исботланган таъсири, глаукомали оптик нейропатия ривожланишининг пасайиши туфайли меҳнатга қобилиятли аҳолининг фаоллигини сақлаб қолиш имконини беради. Бундан ташқари, даволашнинг мазкур усули, кўриш функцияларини жиддий пасайиши кузатиладиган глаукоманинг кечроқ босқичларини даволаш учун 5-12 млн сўмлик ҳаражатларини камайтириш имконини беради. Хулоса: микроимпульсли лазерли трабекулопластиканинг турли баённомаларидан кейин кузатиладиган ўзгаришлар, 15 фоизли ишчи цикли билан микроимпульсли лазерли трабекулопластика билан даволашда энг катта самарадорлигини аниқлаб бериб, бу нарса, глаукомали оптик нейропатия ривожланишини пасайтириш имконини берадиган динамикадаги кўз ичи босимининг кўрсаткичлари билан ишончли исботланди.

учинчи илмий янгилик: барқарорлаштирилмаган бирламчи очик бурчакли глаукомада микроимпульсли лазерли трабекулопластикадан фойдаланиш

беморларининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини камайтирган. Ушбу маълумотлар “Бирламчи очик бурчакли глаукомани лазерли трабекулопластика усули билан даволашни оптималлаш” (РИКМИАТМ экспертлик кенгаши томонидан тасдиқланди, н-3/5-сон, 25.05.2023 й.) ва «Бирламчи очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг ривожланган ва ўтиб кетган босқичларини даволашдаги 15 фоизли ишчи цикли билан микроимпульсли лазерли трабекулопластика» (РИКМИАТМ экспертлик кенгаши томонидан тасдиқланди, н-3/7-сон, 23.03.2024 й.) деб номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Илмий янгиликнинг жорий этилиши: амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан, РИКМИАТМ Термиз филиали (буйруқ № 12/1, 20.04.2023 й.) ва Самарқанд филиали (буйруқ №24-У, 7.02.2024 г.) амалиётига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: лазерли трабекулопластика орқали таъсир қилишнинг турли усуллари, дискомфортни ҳамда лазердан кейинги даврда кўшимча парваришлашга бўлган эҳтиёжни оширадиган микроимпульсли трабекулопластикадан фарқли ўлароқ, селектив лазерли трабекулопластикадан кейинги ножўя таъсирларнинг юқори фоизини кўрсатдилар. Иқтисодий самарадорлиги: лазердан кейинги даврда кузатиладиган ножўя таъсирлар бир нафар бемор учун шифохонада даволанишга бўлган эҳтиёжини 2.850.000 сўмгача оширадилар. Хулоса: Интраоперацион ва ташриҳдан кейинги ножўя таъсирлар қуйидаги ўзгаришларни аниқлаб бердилар: ножўя таъсирларнинг энг кўп сони селектив лазерли трабекулопластикани олган беморларда кузатилди. Микроимпульсли трабекулопластика билан даволанган беморларда эса ушбу кўрсаткич 2,5 баробарга паст бўлган.

тўртинчи илмий янгилик: барқарорлаштирилмаган бирламчи очик бурчакли глаукома учун тавсия этилган ташхислаш мезонлари асосида микроимпульсли лазер жарроҳлигида фойдаланиладиган даволаш алгоритми такомиллаштирилган. Ушбу маълумотлар “Бирламчи очик бурчакли глаукомани лазерли трабекулопластика усули билан даволашни оптималлаш” (РИКМИАТМ экспертлик кенгаши томонидан тасдиқланди, н-3/5-сон, 25.05.2023 й.) ва «Бирламчи очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг ривожланган ва ўтиб кетган босқичларини даволашдаги 15 фоизли ишчи цикли билан микроимпульсли лазерли трабекулопластика» (РИКМИАТМ экспертлик кенгаши томонидан тасдиқланди, н-3/7-сон, 23.03.2024 й.) деб номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Илмий янгиликнинг жорий этилиши: амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан, РИКМИАТМ Термиз филиали (буйруқ № 12/1, 20.04.2023 й.) ва Самарқанд филиали (буйруқ №24-У, 7.02.2024 г.) амалиётига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: лазерли трабекулопластиканинг ҳар ҳил турларини ўтказишнинг энг катта самарадорлигини белгилайдиган, оптик когерентли томография ва периметрия маълумотларига асосан офтальмотонусни мустаҳкам нормаллаштириш, кўриш функциясини ошириш ва глаукома жараёнини барқарорлаштириш имконини берадиган ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Иқтисодий самарадорлиги: очик

бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шаклларига эга бўлган беморларни парваришlash бўйича ишлб чиқилган алгоритм уларни даволаш учун сарфланадиган ҳаражатларни қисқартириш имконини беради. Хулоса: олинган натижаларни жорий этилиши бирламчи очик бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шаклларига эга бўлган беморларни ташҳислаш, даволаш ва парваришlash самарадорлигини ошириш имконини берди, бу эса ўз навбатида даволаш учун ҳаражатларни қисқартириш, ташриҳдан аввал ва кейинги даврда ножўя таъсирларнинг частотасини камайтириш имконини яратди.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 3та республика миқёсда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 9 та мақола, улардан 7 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, туртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлган. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ифодалаб берилган; тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган; олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган; тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган; иш натижаларини апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Бирламчи очик бурчакли глаукома: эпидемиологик сурат, патогенез ва даволаш**» деб номланган биринчи бобида, муаммонинг бугунги ҳолатига, хусусан, бирламчи очик бурчакли глаукоманинг этиологияси, патогенез ива уни даволаш масалаларига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Бирламчи очик бурчакли глаукоманинг таснифи, клиник сурати ва клиник-патогенетик шакллари таърифлаб берилди, шунингдек, ушбу патологияни медикаментозли, консерватив ва лазерли даволашнинг замонавий турлари келтирилди.

Диссертациянинг «**Очик бурчакли глаукомани даволашда лазерли трабекулопластиканинг турли усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган услублар баён этилган. Илмий ишда РИКМИАТМ ҳамда «SINAT KO`Z» кўз клиникасида

2020-2024 йилларда лазерли трабекулопластиканинг турли усуллари давоси бажарилиб динамикада кузатув остида бўлган, бирламчи очиқ бурчакли глаукома (БОБГ) барқарорлаштирилмаган кечишининг турли шаклларига эга бўлган 115-нафар беморларни (171-та кўзлар) текшириш ва даволашнинг ижобий натижаларига асосланган. Беморлар ўртасида 68-нафар (59%) аёллар ва 47-нафар (41%) эркаклар бўлиб, уларнинг ёши 37-дан 82-гача бўлган (ўртача ёш $61,5 \pm 3,54$).

Лазерли таъсир усулига қараб, барча беморлар асосий ва назорат гуруҳларига тақсимланган. Ўз навбатида асосий гуруҳ 2-та гуруҳга ажратилган:

– Беморларнинг **I-чи гуруҳига**, қуввати 1000 мВт, доғ катталиги 300 мкм, экспозицияси 3 нс бўлган 10-фоизли ишчи цикли билан микроимпульсли лазерли трабекулопластика ўтказилган;

– Беморларнинг **II-чи гуруҳига** қуввати 1000 мВт, доғ катталиги 300 мкм, экспозицияси 3 нс бўлган 15-фоизли ишчи цикли билан микроимпульсли лазерли трабекулопластика ўтказилган;

– **Назорат гуруҳида** қуввати 1,0-2,0 мДж, доғ катталиги 400 мкм ва экспозицияси 3 нс бўлган селектив лазерли трабекулопластика ўтказилган.

Бундан ташқари, ҳар бир гуруҳ, клиник-патогенетик гуруҳига қараб, 3-та кичик гуруҳларга бўлинган: оддий сурунқали, псевдоэксфолиатив ва пигментли очиқ бурчакли глаукомалар.

Битта нарсани инобатга олиш лозимки, ҳар бир гуруҳ, ҳам жинсий, ҳам ёш белгилари, шунингдек БОБГ босқичлари бўйича статистик жиҳатдан ўзаро таққосланадиган бўлган.

I-чи гуруҳга оддий сурунқали глаукома билан 23-та кўзлар, псевдоэксфолиатив глаукома билан 20-та кўзлар, ва пигментли глаукома билан 12-та кўзлар киритилган; II-чи гуруҳга- оддий билан 22-та, псевдоэксфолиатив билан 21-та, ва пигментли глаукома билан 14-та кўзлар; назорат гуруҳига оддий билан 24-та, псевдоэксфолиатив билан 23-та, ва пигментли глаукома билан 12 – та кўзлар киритилган.

Беморларнинг комплекс офтальмологик тадқиқоти ўз ичига включало умумофтальмологик ва маҳсус усуллари олан. Тадқиқотнинг маҳсус усуллари қуйидаги аппаратларда бажарилди:

– *ультрабиомикроскопия* – кўз олд камераси бурчагининг ҳолатини аниқлаш учун Sonomed Escalon (VuMAX, АҚШ) русумли ультрабиомикроскоп қўлланилди;

– *кўзнинг олд ва орқа бўлақларининг оптик когерентли томографияси (ОКТ)*– Zeiss Cirrus 5000 (Zeiss, Германия) русумли оптик компьютер томографда ўлчанди;

– *тўр парданинг ёруғликка сезгирлиги*– «Optopol 1000» (Польша) русумли автоматлаштирилган периметрда аниқланган.

Беморлар гуруҳига *микроимпульсли лазерли трабекулопластика* Easyret (Quantel Medical, Франция) русумли, тўлқин узунлиги 577 нм, қуввати 1000 мВт, ишчи цикли 10% ва 15% бўлган, пигментланган трабекуляр тармоқ соҳасига доғ катталиги 300 мкм ва давомийлиги 300 мс бўлган микроимпульсли қурилмада 360° билан бажарилди.

Селектив лазерли трабекулопластика беморлар гурухига ушбу процедура Q-LAS (A.R.C. Laser, Германия) русумли, тўлқин узунлиги 532 нм бўлган ва частотаси икки баробарга кўпайтирилган Nd: YAG-лазерли курилмада 360° билан бажарилди. СЛТ энергияси, газ пуфаги ҳосил бўлгунга қадар трабекуляр тармоқнинг пигментланган соҳасига 1,0-2,0 мДж қуввати билан титрланган, бунда доғнинг катталиги 400 мкм, давомийлик 3 нс бўлган.

Олинган маълумотларга, таърифлаш статистикаси усуллари қўллаган ҳолда Microsoft Office Excel 2021 дастури ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Очиқ бурчакли барқарорлаштирилмаган глаукоманинг турли шакллари билан ҳасталанган беморларнинг умумий тавсифи**» деб номланган учинчи бобида, беморларни ташриҳдан аввал субъектив клиник ва объектив тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Тадқиқотнинг маҳсус усуллари ўтказишда биз томонимиздан бирламчи очиқ бурчакли глаукоманинг турли клиник-патогенетик гуруҳлари беморларининг мезонлари аниқланди.

Жадвал 1.

Тадқиқ қилинаётган гуруҳларда кўз олд бўлагининг тавсифлари

Беморлар гурухи	Одий глаукома	Псевдоэксфолиатив глаукома	Пигментли глаукома
Пигментация даражаси (балл)	1,2±0,4	2,3±0,7	3,8±1,1
Олд камера бурчаги	ўрта кенгликда очиқ	очиқ, ёлғондакам очилган бурчаги феномени	очиқ, ботиб кетган кенг бурчак
Рангдор парда	ўзгаришсиз	ўзгаришсиз	рангдор парданинг ички томонга ботган профили
УБМ сурат	ОКБ очиқ. Кенглик: ўрта. Циннали пайлар сақланган	ОКБ очиқ. Кенглик: ўрта. Рангдор парда, орқа камера, цилиар ўсимталар ва цилиар танада донадор аралашмалар	ОКБ очиқ. Кенглик: ариқсимон. Оқ чуқур. Бурчак кенглиги 50°дан 70°гача. Рангдор парданинг томир соҳасида осилиб туриши 73% ҳолатларда иридозонуляр алоқа
Олд томондаги ОКТ	Олд камера бурчаги очиқ. О/к бир маромда. 40°дан 50°гача. Рангдор парданинг пигмент қатлами бир маромда. Рангдор парда тўқимаси бир ҳил.	Олд камера бурчаги очиқ. О/к бир маромда эмас (эксфолиант ва миграцияланган олд эпителий ҳисобидан) 40°дан 50°гача. Пигментли эпителий қатламида арзимас нуқсонлар мавжуд. Рангдор парда тўқимасида гиперрефлексив ва эриган участкалар ўчоқлари мавжуд.	Олд камера бурчаги очиқ. О/к чуқур, бир маромда эмас. Рангдор парданинг томири ботган ОКБ 55°дан 70°гача Пигментли эпителий кўринмайди, рангдор парданинг гиперрефлексив тўқимаси ҳисобидан

Клиник-патогенетик шакллар пигментациянинг ҳар ҳил даражаларига эга бўлган. Масалан, оддий сурунқали очик бурчакли глаукома (ОБГ) билан беморларда пигментация даражаси асосан $1,2 \pm 0,4$ доирасида ўзгариб туриб, ушбу кўрсаткич 40% кўзларда кузатилди. У подгруппы с Псевдоэксфолиатив очик бурчакли глаукомали кичик гуруҳининг 38% беморларида пигментация даражаси $2,3 \pm 0,7$ ташкил қилди. Пигментли очик бурчакли глаукомада 22% ҳолатларда пигментация шиддатли бўлиб $3,8 \pm 1,1$ баллни ташкил қилди.

Диссертациянинг «**Очик бурчакли глаукоманинг турли шакллари**ни даволашда лазерли трабекулопластиканинг турли усуллари кўллаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида, кўзнинг ўткирлиги, тонометрия, тонография, тўр парданинг нерв толалари қатлами (ТПНТҚ) динамикасидаги ўзгаришлар ва периметрияда тўр парданинг ёруғликка сезгирлигининг стандарт оғиши (MD) бўйича тадқиқотлар натижаларига асосан, БОБГ турли шакллари лазерли трабекулопластиканинг турли усуллари билан даволаш натижалари келтирилган. Бундан ташқари, клиник-функционал натижалар, ҳамда, лазер билан даволашдан кейин кузатиладиган интраоперацион ва ташриҳдан кейинги асоратлар таърифлаб берилган.

Энг самарали усулни танлаш ва турли ножўя таъсирларни аниқлаш учун ҳар бир клиник-патогенетик гуруҳда лазерли таъсирнинг 3-та усуллари бажарилди.

Оддий сурунқали ОБГ билан беморларда динамикада КИБ-ни ўрганишда, МЛТ қўлланилганидан кейин 1-чи суткадаёқ КИБ қийматларининг бошланғичдан кўра 20 фоизга тушиши қайд этилган (даволашдан аввал $34,77 \pm 0,7$, 1-чи суткада – $23,2 \pm 0,8$). 10% ишчи цикли билан МЛТ орқали даволанган беморларда КИБ қийматларининг ўсиши кузатишнинг 6-ойлик давридан бошланиб, 12-ойлик даврга келиб КИБ-нинг статистик ишончли пасайиши кузатилмади – 19-та кўзларда (79%) КИБ ўсиши қайд этилди ($31,04 \pm 0,9$). 10% ишчи цикли билан МЛТ ва СЛТ орқали даволанган беморлар гуруҳида КИБ-нинг толерант даражасидаги барқарор қийматлари кузатувнинг 12-ойлик давригача сақланиб келган ($20,08 \pm 0,5$) (расм 1-2, жадв. 2).



Расм 1. Оддий сурунқали очик бурчакли глаукома билан беморларда кўз олд бўлагининг сурати

Барча гуруҳларда лазерли даволашдан аввалги кўз ичи суюқлигини оқиб кетишнинг осонлиги коэффиценти ўрганилганида ушбу кўрсаткични ёмонлашиши қайд этилган ($0,12 \pm 0,02$).


Жадвал 2.

Оддий сурунқали очик бурчакли глаукома билан беморларда кузатувнинг 12-ойлик давридаги КИБ қийматлари (M±m)

Кузатув муддатлари	Тадқиқ қилинаётган гуруҳлар		
	Асосий		Назорат гуруҳи
	I гуруҳ	II гуруҳ	
Даволашдан аввал	34,35±0,8	34,95±0,7	33,23±0,6
2 соатдан кейин	24,4±0,6**	22,9±1,2**	35,4±1,0*
1-чи сутка	18,3±0,6***	17,64±1,1***	21,50±0,8***
1 ой	19,0±0,6***	16,09±1,3***	17,45±0,8***
3 ой	20,57±0,8***	17,0±1,2***	18,23±0,7***
6 ой	21,96±0,8**	17,91±0,6***	18,68±0,9***
9 ой	24,65±0,5**	18,82±0,8***	19,59±0,6***
12 ой	31,04±0,9*	20,09±0,6***	20,14±0,5***

Изоҳ: * - даволашдан аввал ва кейинги аҳамият даражаси $p \leq 0,05$
 ** - даволашдан аввал ва кейинги аҳамият даражаси $p \leq 0,01$
 *** - даволашдан аввал ва кейинги аҳамият даражаси $p \leq 0,0001$

Даволашдан кейин 6-ойлик даврда 15% ишчи цикли билан МЛТ ва СЛТ-ни олган беморлар гуруҳида оқиб кетишнинг ишончли яхшиланиши, ва унинг 12 ойгача барқарорлашиши кузатилди (0,23±0,03). 10% ишчи цикли билан МЛТ-ни олган беморлар гуруҳида динамикада оқиб кетишнинг ишончли яхшиланиши кузатилмади (0,13±0,03).



Расм 2. Оддий сурунқали глаукомали беморларда кўз ичи босими ўзгаришининг динамикаси

Бунга ўхшаш сурат Беккер коэффициентини ўрганишда ҳам кузатилди. Масалан, барча беморларда, даволашнинг лазерли усули қўлланилишидан аввал суюқликни ишлаб чиқарилиши ва оқиб кетиши ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, яъни, гидродинамиканинг бошланғич бузилиши аниқланган (321±4,3). Даволашдан кейин 12-ойлик даврда кўрсаткичларнинг яхшиланиши ва барқарорлашиши фақатгина 15% ишчи цикли билан МЛТ ва

СЛТ-ни олган беморлар гуруҳида кузатилди ($89 \pm 5,1$), 10% ишчи цикли билан МЛТ-ни олган беморлар гуруҳида ($261 \pm 6,1$).

КИБ қийматлари мақсадли даражадан кўтарилганида беморларга қайта лазерли трабекулопластика бажарилган. 10% ишчи цикли билан МЛТ орқали даволанган беморлар томонидан 2-3 мартаба қайта лазер процедураларни олиш ҳолатларнинг деярли ярмида қайд этилган (18та кўзлар– 78%). 15% ишчи цикли билан МЛТ ва СЛТ-ни олган беморлар гуруҳида қайта лазерли процедуралар сони ишончли озроқ бўлиб, тегишлича 7 (31%) ва 9 (37,5%) ташкил қилди.

Гипотензив томчиларни қўллаш характери ўрганилганида, лазерли даволашдан аввал барча беморлар комбинацияланган даволашда бўлганлиги аниқланди. Ушбу суратнинг яхшиланиши кузатувнинг 3-чи ойидаёқ кўринган. Бироқ, сеансларнинг сонига қарамасдан, битта гипотензив томчиларни қабул қилаётган кўзларнинг етарлича барқарор ҳолати фақатгина 15% ишчи цикли билан МЛТ ва СЛТ-дан кейинги беморларда бўлган, 10% ишчи цикли билан МЛТ-ни олган беморлар эса комбинацияланган медикаментозли даволашга ўтказилган.

Лазерли трабекулопластика қўлланилганида, лазердан аввал ва кейинги даврда тўр парда нерв толалари қатламининг қалинлиги, макуляр соҳадаги ганглияли хужайраларнинг қалинлиги, ҳамда тўр парда ёруққа сезгирлигининг ўртача оғиши (MD) ўрганилди. Ушбу кўрсаткичлар динамикада 12-ойлик давргача кузатилганида, 15% ишчи цикли билан МЛТ ва СЛТ гуруҳида статистик ишончли ўзгаришлар мавжуд бўлмаган, ва бу нарса кўрсаткичларнинг барқарорлашганлигини тасдиқлайди ($p \geq 0,05$). 10% ишчи цикли билан лазерли трабекулопластикани олган беморларда кузатувнинг 12 ойигача ишончли пасайиш қайд этилди ($p \leq 0,05$).

Турли лазер қурилмаларининг таъсиридан кейин оддий сурунқали очик бурчакли глаукома билан беморларда интраоперацион ва ташриҳдан кейинги ножўя таъсирлар кузатилди. Масалан, 10% ишчи цикли билан МЛТ-дан кейин, 1-та кўзда (8%) конъюнктивали инъекция, 1-та кўзда (8%) – шоҳ парданинг шиши қайд этилди; 15% ишчи цикли билан МЛТ-дан кейин ташриҳ пайтида ва лазердан кейинги даврда ножўя таъсирлар деярли аниқланмаган: фақатгина 2-та кўзларда (15%) конъюнктивали инъекция, ва 1-та кўзда (7%) шоҳ парданинг шиши кузатилди. СЛТ-дан кейинги беморларда эса умуман бошқача сурат қайд этилди. Ножўя таъсирсиз кўзларнинг сони 4-тани (34%) ташкил қилган бўлсада, 8-та кўзларда (66%) КИБ кўтарилиши, 3-та кўзларда (25%) процедура пайтидаги оғриқлар, 2-та кўзларда (16%) конъюнктивали инъекция, 1-та кўзда (8%) шоҳ парданинг шиши, ва яна 2-та кўзларда ташриҳдан кейин увеал реакция кузатилди. Барча ножўя таъсирлар 1 хафтагача бўлган муддат давомида лазердан кейинги даврда НЙҚ томчилари орқали бартараф этилди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганларга кўра, ОКБ-нинг мўътадил пигментацияси ҳисобидан, оддий сурунқали глаукомали беморларни 10% ишчи цикли билан МЛТ лазер таъсири билан даволаш етарлича бўлмаслиги ва

узоқ муддатда аксарият ҳолларда жараённинг барқарорлашишига эришилмаслиги ҳақидаги ҳулосани чиқариш мумкин.



Расм 3. Псевдоэксфолиатив очик бурчакли глаукомали беморларда кўз олд бўлагининг сурати


10% ишчи цикли билан МЛТ орқали даволанган, псевдоэксфолиатив очик бурчакли глаукома билан ҳасталанган I-чи гуруҳ беморларида динамикада КИБ ўрганилганида беморларнинг аксариятида кузатувнинг 6-чи ойигача мақсадли КИБ сақланган, кейинчалик эса КИБ-нинг арзимас кўтарилиши қайд этилган. 15% ишчи цикли билан МЛТ ва СЛТ гуруҳларида КИБ-нинг ишончли пасайиши ва барқарор кўрсаткичлар 1 йилгача сақланиб келган (расм 3-4, жадв. 3).

Жадвал 3

Псевдоэксфолиатив очик бурчакли глаукома билан беморларда кузатувнинг 12-ойлик давридаги КИБ қийматлари (M±m)

